



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 10 май, № 95 (8438)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ГАЛАБАНИНГ 78 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ТАДБИРЛАРДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан Москва шаҳрига амалий ташрифи доирасида 9 май куни Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанинг 78 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этди.



Ўзбекистон халқининг Буюк Галабага қўшган ҳиссаси беқиёс. 1941 йилда республикаимиз аҳолиси 6 миллион 800 мингдан зиёд кишини ташкил этарди. Уруш бошланиши билан қарий 2 миллион юртдошимиз фронтга отланди. Хар бири том маънода қаҳарман бўлган бу азиз инсонларнинг 500 мингдан зиёди шафқатсиз жангларда ҳалок бўлди, яна минглаб ватандошимиз урушдан ногирон бўлиб қайтди. Халқимиз туну кун тинимсиз меҳ-

нат қилиб, улкан миқдордаги озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-аслаҳа, дори-дармон захираларини жанг майдонларига узлуксиз етказиб берди. Ўзбекистонга 170 га яқин завод ва фабрика эвакуация қилинди ва қисқа муддатда қайта ишга туширилди. Урушдан жабр кўрган 1 миллион 500 мингдан ортик кексалар, аёллар ва болалар республикаимизга кўчириб келтирилди. Уларнинг 200 мингдан зиёди ота-онасидан

айрилган етим болалар эди. Юртимизда Иккинчи жаҳон урушида жанг қилган ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган аждодларимизнинг жасоратини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳар йили рағбатлантирилмоқда, уларнинг соғлиғини асрашга устувор аҳамият берилмоқда. Тошкент шаҳрида улкан Галаба боғи очилди, унда "Матонат мадҳияси" ёдгорлиги ва

Шон-шараф музейи барпо этилди. Москванинг Қизил майдонида Галаба паради бўлиб ўтди. Уни Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ва Арманистон Бош вазيري Никол Пашинян ҳам кузатди.

Тадбирдан сўнг Ўзбекистон раҳбари бошқа давлатлар етакчилари билан бирга Александр боғидаги "Номанум аскар" ёдгорлигига гулчамбар қўйди ва Иккинчи жаҳон урушида Ватан ҳимояси йўлида ҳалок бўлган аскарлар, шу жумладан, ўзбек ўғлонлари хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Москвага амалий ташриф доирасида Қирғиз Республикаси

Президенти Садир Жапаров билан учрашув ўтказди. Давлат раҳбарлари икки томонлама кун тартибининг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар ҳамда бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини кўриб чиқдилар. Шу билан Ўзбекистон Президентининг Россияга амалий ташрифи якунланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

ЖАСОРАТ, МАТОНАТ, ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗ

Ҳар йили 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Айни кунларда сана муносабати билан юртимизда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аждодларимиз хотирасини ёдга олиш, ҳаётимиз файзи бўлган уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга қаратилган кенг кўламли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 2 майдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида уруш қатнашчилари ҳамда ногиронларига Президентимизнинг байрам табриги ўқиб эшиттирилиб, 18 миллион сўмдан пул мукофоти, эсдалик совғалари топширилмоқда.

[2, 3-саҳифаларга қаранг.](#)



ҚАДРОН ОҲАНГЛАР СЕҲРИ ВА ЖОЗИБАСИ ДУНЁНИ МАФТУН ЭТДИ

Сирдарё вилояти маркази — Гулистон шаҳрида III Халқаро бахшичилик санъати фестивали ниҳояси етди. Байрамона, кўтаринки руҳ ва шукҳуда ўтган тадбирнинг ёпилиш маросимида фестивалнинг миллий маданий меросимиз — бахшичиликни асраб-авайлаш, ривожлантириш, ушбу азаллий ва боқий халқ санъатини жаҳонга тараннум этишдаги улкан аҳамияти эътироф этилди.

Фестиваль

— Президентимизнинг III Халқаро бахшичилик санъати фестивали қатнашчиларига йўлаган табриги тадбир иштирокчиларини янада илҳомлантирди. Шу билан бирга, бахшичиларимиз ва, жировларимиз ва, умуман, ушбу бебахо санъатимиз билан шуғулланиётган борки, барчамиз зиммамизда нечоғли юксак масъулият борлигини ҳис этдик, — дейди Юнус Ражабий номдаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти профессори Ботир

Матёкубов. — Табрикда таъкидланганидек, халқ оғзаси ижодиётининг сарчашмаси бўлган бахшичилик санъати инсонни инсон сифатида намоён этадиган энг эзгу туйғу ва қадрларини тараннум этиши билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Фестивалда уста бахши ва жировлар қаторида ўнлаб ёш ижодкорлар ҳам қатнашганлиги тахсинга лойиқ. Бу эса минг йиллардан буён қоғоз-қаламсиз, бевосита оғиздан-оғизга ўтиб, тўқис-туғал сақланиб келинаётган бахшичилик санъатининг боқийлигидан далolat беради. Ўз навбатида, III Халқаро бахшичилик санъати фестивали туризмнинг ўзига хос яна бир ташриф қоғози ҳам бўлди.

[4](#)

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯ МАМЛАКАТ РИВОЖИ ВА ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, суд ва ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик фаоллари билан мулоқот қилди. Унда янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш бўйича шу йил 30 апрелда бўлиб ўтган референдум якунлари ҳақида сўз борди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари бу бўйича ўз фикр-муносабатларини билдирди.

Акс садо

Шаҳноза ХОЛМАҲАМАТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Таъкидлаш жоизки, бўлиб ўтган референдумда 90 фоиздан кўп фуқароларимиз янгиланган Конституцияни қабул қилишни ёқлаб овоз бергани амалга оширилаётган ислохотлар халқимиз томонидан яқдиллик билан

қўллаб-қувватланишини, одамларимизнинг эртанги кунга ишончини яққол кўрсатиб берди. Шунингдек, бу халқимизнинг бирдамлиги ва ҳамжихатлигининг намоёни бўлди.

Референдум қонунларимизга, халқаро стандартларга мувофиқ ҳолда очиклик ва шаффоқлик руҳида ўтказилди. Барча жараён — Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, референдум бевосита халқимиз иштироки ва фаоллигида кечди.

[4](#)

Олий Мажлис Сенатида

«МАҲАЛЛА БЮДЖЕТИ» ТИЗИМИ АҲОЛИ ЯШАШ ШАРОИТИГА ИЖОБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИ

Олий Мажлис Сенатида «Маҳалла бюджети» тизимининг жорий этилиши муносабати билан аҳолининг солиқ тўлаш саводхонлигини ошириш мавзусида семинар ўтказилди. Тадбирда сенаторлар, вазирлик ва идоралар мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Семинарда «Маҳалла бюджети» тизимини амалга ошириш механизми ва унда шакллантирилган маблағдан фойдаланиш тартиби, жисмоний шахслардан олиннадиган мол-мулк солиғи ва ер солиғини ундиришда аҳолининг солиқ тўлаш саводхонлигини ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Хусусан, жорий этилган тизим маҳаллабай ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш орқали камбағалликни қисқартириш, республика, вилоят, туман ва шаҳарларда кўрсатиладиган давлат хизматлари ва манзилли молиявий қўллаб-қувватлаш воситаларининг маҳалла даражасига туширилишини таъминлаб, маҳалланинг ўзидаёқ кўплаб муаммоларни ҳал қилиш, жумладан, инфратузилмани яхшилаш, ободонлаштириш ҳамда моддий ёрдам, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кутубхоналар, спорт майдончалари қуриш каби масалаларни ҳал қилишга замин яратади.

Шунингдек, «Маҳалла бюджети» тизимини эксперимент тарихида жорий этилган 14 та тумандаги 764 та маҳалланинг ўзида шу йилнинг I чорагида 45 млрд. 249 млн. сўм ёки ўтган йилдаги нисбатан 1,8 баравар кўп жисмоний шахслардан олиннадиган мол-мулк ва ер солиқлари ундирилишига эришилган. Бундан ташқари, фуқаролар йиғинлари раислари учун «Soliq.uz» мобил иловаси «Менинг маҳаллам» бўлими орқали ҳудудларидаги солиқ тўловчилар томонидан тўланиши лозим бўлган мол-мулк ва ер солиқлари реал вақт режимида аниқлаш имконияти яратилган. Тадбирда «Маҳалла бюджети» тизимини йўлга қўйишда жисмоний шахслардан олиннадиган мол-мулк ва ер солиқларини ундириш механизмининг такомиллаштириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, солиқ тўловчиларнинг солиқ соҳасида билим ва кўникмаси етарли эмаслиги оқибатида солиқ қарзи юзага келаётгани сенаторлар томонидан қайд этилди.

Семинарда маҳаллалар ўз олдига қўйган мақсадларга эришишда салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатлар борасида ҳам фикрлар билдирildi.

Шу боис солиққа оид мисоллар асосида роликлар тайёрлаш ва ОАВ орқали аҳолига етказиш, бунда солиқлар аҳолининг яшаш шароитларига ижобий таъсир кўрсатишини акс эттиришга эътибор қаратиш лозимлигига ургу берилди.

«Халқ сўзи».



Навқирон йигитлар шижоати



Халқимизнинг ўзига хос азалий қадрият ва анъаналари бор. Утганларни хотирлаш, тирикларни эъзозлаш маънавийтимизнинг ажралмас қисмига айланган. Бу каби эзгу фазилатлар, айниқса, Иккинчи жаҳон урушида қатнашган, жанггоҳларда жасорат кўрсатган уруш фахрийларига иззат-икром кўрсатишдек хайрли тadbирларда янада яққолроқ намоён бўлади.

Самарқанд вилоятида ҳам бугунги кунда 10 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси яшайди. Давлатимиз раҳбарининг Фармони уруш қатнашчиларининг кўнглини тоғдек кўтариб, уларга янада куч-қувват бағишламоқда. Хўжат ижросини таъминлаш, уруш қатнашчилари ва фахрийлари ҳолидан хабар олиш мақсадида Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Марказий ҳарбий округ кўмондон-

лиги, кенг жамоатчилик вакиллари эл ардоғи ва давлатимиз гамхўрлигида умргузаронлик қилаётган уруш қатнашчиларини йўқламоқда. 17 ёш. Эр йигит учун биллақлари кучга тўлган, тоғни урса, толқон қилгудек палла. Инсоният бошига оғир кулфатларни ёғдирган Иккинчи жаҳон уруши ана шундай алп йигитларни уруш жанггоҳларига элтди. Фазлиддин Аслиддинов ҳам айна навқи-

рон ёшида урушга отланганди. Жанггоҳларда мардлик, халқ ва Ватан озодлиги йўлида эса шижоат кўрсатган Фазлиддин ота уруш туғага она Ватанга қайтиб келди. Узоқ йиллар таълим соҳасида меҳнат қилди, фарзандларини ўқитди, элга кўшди. У бугунги тинч ва дориламон кунларга шуқрона келтиради.

Самарқанд шаҳри, Боғи Темур маҳалласида истиқомат қилувчи Михаил Колмогоров ҳам 17 ёшида уруш жанггоҳларига кирди. Кўплаб шаҳарларни озод қилишда қатнашди. Мардлик кўрсатди. Ордену медаллар билан тақдирланди.

— Уруш деган сўзни эшитсам, ич-этими титроқ босади, — дейди Михаил Колмогоров. — Фронтдаги ҳаётни эслашнинг ўзи азоб. У кунлар бошқа тақдорларнинг, дея қуну тун илтижодан. Президентимиз раҳбар-

лигида берилаётган имтиёزلардан мамнунмиз.

Самарқанд тумани, Саҳоват маҳалласида яшовчи 99 ёшли Аҳад Очилов ҳам кўп қатори 17 ёшида урушга жўнади. Ватан, тинчлик учун жанг қилди. Урушдан кейинги йилларда эса таълим соҳасида меҳнат қилди. Ёшларни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшди.

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Самарқанд вилояти ҳокими, ҳарбийлар ва кенг жамоатчилик Аҳад Очилов хонадониди бўлиб, отахона Президент совғасини топширди.

Дилкаш сўхбатларда бугунги фаровон ҳаётимиз, тинчлик-осойишталигимиз, Ватанимиз тараққиёти йўлида олиб борилаётган эзгу ва хайрли ташаббуслар тилга олинди.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

Элу юрт ардоғида



Байрам арафасида сурхондарёлик 8 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисига юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилди.

Президентимизнинг шу йил 2 майдаги Фармониға биноан жанггоҳларда ҳалок бўлганлар хотирасини абадийлаштириш, бугунги кунда кексалик гаштини суриб, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган фахрийларни асраб-авайлаш мақсадида бир қатор тadbирлар уюштирилмоқда.

— Иккинчи жаҳон уруши хотирамда мудҳиш ва сира ўчмас из қолдирган бўлса-да, бугунги тинч ва осойишта кунларни кўриб, Яратганга минг шуқронлар айтмаман. Бундай кунларнинг қадрига етмоқ, уни кўз қорачиғидек асрамоқ ҳам қарз, ҳам фарздор, — дейди Иккинчи жаҳон уруши фахрийси, кумқўрғонлик Хайит бобо Мусаев.

Олтинсой туманида жойлашган Тоғай Мурод номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Ҳолик Абдурайимов ҳам фашизмга қарши жангларда жасорат намунасини кўрсатди. 1942 йилда урушга жўнаб кетиб, ҳаёт-мамонт жангларида қатнашди.

1944 йили жангда ярадор бўлиб, она юртга қайтди.

Илҳом РАҲМАТОВ («Халқ сўзи»).

Асрга татигулик кунлар ҳикмати

Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманидаги Шодлик маҳалласида файзли хонадон бор. Бу оила соҳиби, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Одижон ота Зокиров яқинда 100 ёшга тўлди. Отахон билан сўхбатлашганда, жасорат ва матонатга йўрилган ҳаёт йўли ибратга лойиқ эканлигига чин дилдан иқдор бўласиз. Аср билан бўйлашган қаҳрамонимизнинг бирда шодумон, бирда қайғули хикоялари ҳар қандай инсонни бир зумда ўзига ром этади.



— Иккинчи жаҳон уруши йилларида артиллери бўлишимни сафида хизмат қилдим, — дея хотирлайди уруш фахрийси. — Жанггоҳларда қанчадан-қанча қуролдошларимизнинг умри бевақт хазон бўлди. Уруш даҳшатлари бир томон бўлса, яқинлар дийдори, юрт соғинчи ундан ҳам азобли эди. Аммо барча қийинчиликларни мардонавор енгиб, Ўзбекистонга ёруғ юз билан қайтиш насиб этди.

Урушдан кейин Одижон ота узоқ йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилиб, янги ўзлаштирилган Найманбўстоннинг чўл ва дашт ерларида пахта етиштиришда жонбозлик кўрсатди. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз фермерлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Қаҳрамони бўлган, найманбўстонлик миришкор пахтакор Комилжон Мамажонов билан елкама-елка ишлади.

— Халқимизнинг сеvimли ёзувчиси Саид Аҳмад «Уфқ» романининг қаҳрамонлари сифатида айнан Найманбўстонни ўзлаштирган чўл баҳадирларини танлаб олгани беҳиж эмас эди, — дейди у. — Ота-боболаримизнинг айнан меҳнат фронтдаги жасорати туфайли чўллар ўзлаштирилиб, бугун обод масканга айланди. Айни пайтда ушбу тарихий қишлоқ нафақат Тошлоқ тумани, балки Фарғона вилоятининг энг кўркем масканларидан биридир.

Оилада 10 нафар фарзанд камолга етди. Ҳозирда 50 нафарга яқин набиралар, 100 нафардан зиёд чевара ва эвараларнинг суюкли бобоси бўлган уруш ва меҳнат фронти қаҳрамони дориламон кунлар шуқронаси билан яшамокда.

Хотира ва Қадрлаш куни байрами арафасида ушбу хонадон ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Кун кеча Фарғона вилояти ҳокими отахонни йўқлаб, Президентимизнинг уруш қатнашчиларига йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттирдди. 18 миллион сўм пул муқофотини топширди. Шунингдек, вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари ҳамда кундалик зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилди.

— Бир асрлик умр доводина туриб, шундай кунларга етказганига беҳад шуқроналар айтмаман, — дея сўхбатимизни давом эттиради уруш фахрийси. — Илоҳим, юртимизда тинч ва осуда ҳаёт бардавом бўлсин. Бугунги ёшлар биз кўрган қийинчиликларни ҳеч қачон кўрмаслиги учун ҳаммиша дуодамиз.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Иккинчи жаҳон урушига Ўзбекистон халқининг қўшган ҳиссаси

✓ 1941 йил арафасида Ўзбекистон аҳолиси 6,8 миллион кишидан ортқ эди. Уруш бошланганидан кейин 2 миллионга яқин ватандошимиз фронтга кетган, шундан 500 мингдан ортқи жанг майдонларида ҳалок бўлган.

✓ 200 минг нафардан ортқ юртдошимиз орден ва медаллар билан тақдирланди. 301 нафар ватандошимиз Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони, 70 нафардан ортқи учинчи даражали «Шон-шараф» орденига лойиқ қўрилди.

✓ Ўзбекистон 1,5 миллиондан ортқ инсонларга бошпана берган. Уларнинг 200 мингдан ортқи етим болалар эди. Эвакуация қилинган гўдаклар нафақат Меҳрибонлик уйлариға тарқатилди, балки ўзбек оилалари томонидан ҳам қабул қилинган. Ун ва ундан ортқ болани қабул қилиб олган оилалар ҳам бўлди. Шоаҳмад Шомоҳмудовлар оиласи 15 нафар норасидани асраб олган.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ВА ФРОНТГА ЖЎНАТИЛГАН:

- 2 100 та самолёт ва 17 340 та авианот
- 2 000 000 дан ортқ авианотба
- 5 та бронепоезд
- 2 200 та дала ошхонаси
- 1 000 000 та граната
- 17 100 та миномёт
- 22 000 000 та мина

Ғузордан Берлингача...

Бугунги кунда Ғузор туманида бир нафар уруш қатнашчиси — Эрнзар бобо Ҳасанов истиқомат қилмоқда.

Бир кам юз ёшга кирганига қарамай анча тетик ва бардам, ҳар доим юзида самимият уфуриб турадиган Эрнзар бобо меҳмонлар учун дарров шафқатдан ўзининг қалингина альбомини олади. Бу альбомнинг бошида бобонинг уруш даврида тушган бир неча суратлари ҳам бор. Эрнзар бобо расмдаги турли миллатга мансуб сафдошларининг ҳам кўпчилигини номма-ном билади. Уларнинг орзулари, мақсадлари қандай бўлгани ҳақида эринмай айтиб беради. Афсуски, бу йигитларнинг кўпчилиги урушдан қайтмаган. Эрнзар бобонинг хотирасида уларнинг қандай ўлим топгани ҳақидаги му-



ҳиш воқеалар муҳрланиб қолган, ҳолос.

— Уруш бошланибди деган хабардан сўнг кўп ўтмай қишлоқдаги йигитлар жангга жўнаб кета бошлади, — дейди Эрнзар Ҳасанов. — Мен ҳам бошқалар қатори жангга шайланганим, аммо аввалгига ёшим етмагани сабабли олишмади, шу боис орадан бир йил ўтиб, 1942 йилда фронтга жўнадим.

Эрнзар Ҳасанов урушга қўшилганида фашистлар Москва шаҳриға етиб

қелишиға 46 километр қолган, ҳаёт-мамонт жангларни кетаётган бир палла эди. Қаҳрамонимиз бу ҳақда гапирар экан, бундай манзарани илгари хатто тасаввур ҳам қилиб кўрмаганини таъкидлайди.

— Ҳар кун, ҳар лаҳза ўлимни хис этиб яшаш, сафдошларингни биринкетин йўқотавериш, уларнинг кўз олдинда аянчили ўлим топшиш, ўқ ёмиғларни, бомбларнинг даҳшатли гўмбурлаши — бунинсон онги ва қалби хазм этиши қийин, — дея маънос тортади у. — Аммо урушнинг жонсараси шу. Мен урушда шундан бошқа нарсани кўрмаганман.

Бир неча маротаба ўқ тегиб, оғир жароҳатлар олган бўлса-да, тузалиб яна жангга қайтарилган Эрнзар бобо галабани Германияда нишонлайди.

Шундан сўнг яна икки йил ҳарбий хизматни ўтаб, 1947 йилда қишлоғига қайтиб келган.

— 2017 йилдан буён бир неча маротаба Хотира ва Қадрлаш куни байрами муносабати билан Тошкент шаҳрида ўтказилган тadbирларда иштирок этдим, — дейди Эрнзар бобо. — Бу йил Президентимиз Фармони билан биз, уруш фахрийларига 18 миллион сўмдан пул муқофотлари берилди. Бундай эътибор ва эъзоздан жуда мамнунман.

Эрнзар бобо сингари инсонлар орамиздаги тирик қаҳрамонлар. Уларнинг жанггоҳлардаги жасорати, ибратли ҳаёт йўли бугунги ва келажак авлод учун ҳақиқий ибрат мактабидир.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

Истиқболимиз янада порлоқ



Биз кексаларнинг каттаю кичика илинганимиз хайрли дуо. Юртимиз тинч бўлсин, униб-ўсишсин, ҳеч кимдан кам бўлишмасин дея алқаганимиз алқаган. Ўтмишда биз кўрган оғир

кунларни улар кўришмасин деймиз-да. Бу йил 98 баҳорни кутиб олдим. Умрим давомида кўп яхши-ёмон кунларни, қувончу ташвишларни кўрдим. Ёшлигимда минглаб тенгдошларим қатори Иккинчи жаҳон урушида қатнашдим. Қанчадан-қанча сафдошларим жанг майдонларида қолиб кетишди. Ёш йигитларнинг умри бевақт хазон бўлди, аёллар бева, болалар етим қолди. Ўша машъум кун-

ларни эслаш жуда оғир. Уруш йилларининг азоби, очарчилик даҳшатини биз кўрдик, авлодларимиз тақдирда бундай қора кунлар учрашувларда, давраларда бугунги дориламон кунларнинг қадриға етайлик, деб кўп ўқираман.

Яратганга беадад шуқрлар бўлсинки, Ватанимиз озодлигини, ободлигини кўриш кўплар қатори менга ҳам насиб қилди. Бугун юртимизда бўлаётган ўзгариш-

лар, ҳар жабҳадаги янгиланишларни кўриб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Айниқса, биз, фахрийларға кўрсатилаётган ҳурмат ва эътибордан жуда мамнунмиз.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан вилоят ҳокими Президентимизнинг табриги, байрам совғаси ва 18 миллион сўм пул муқофотини тантанали равишда топширди. Биз бундай эътибордан, меҳрдан куч оламиз, умримизга умр қўшилади.

Умр бўйи оғир юк машиналарини бошқариб, ҳайдовчилик қилдим. Етти нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказдим. Ҳозир улар эл-юрт хизматида. 29 нафар неварам, 15 чеварам атрофимда. Барчаси ҳам бўлишса борми, уйимиз тўйхона бўлади. Уларнинг юзқўзидаги қувончини, бахтиёрликни кўриб, хурсанд бўлман. Ёш авлодининг бугунги, келажак учун қайғураётган юртининг толеи доим баянда,

истиқболи порлоқ, албатта. Ватан азиз, муқаддас, уни қадрлаш, янада тараққий этиши учун садоқат билан тинмай хизмат қилиш керак. Илоҳим, Ер юзида юртимиздагидек тинчлик-фаровонлик, меҳр-муҳаббат ва эзгулик ҳукмрон бўлсин. Эртанги кунга бўлган катта ишонч дилимизда мустаҳкам бўлсин.

Вафо ИСКАНДАРОВА, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Хоразм вилояти

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯ МАМЛАКАТ РИВОЖИ ВА ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

1 Халқимиз янги Конституцияни қўллаб-қувватлаш орқали давлатимиздан ва унинг тиссолида давлат ҳокимияти органларидан халқ манфаати йўлида хизмат қилиш учун қай даражада ва қай услубда ишлашимиз кераклигини ҳам кўрсатиб берди.



Дарҳақиқат, янги тахрирда қабул қилинган Конституцияда парламент ҳар икки палатасининг масъулият соҳалари аниқ белгилаб берилди. Шундан келиб чиқиб, биз янгиланган Конституцияга асосан мамлакат қонунчилик базасини, мавжуд қонунларимизни тўлиқ қайта кўриб чиқиб, халқимиз манфаатларига хизмат қиладиган янги қонунларни қабул қиламиз.

Мавлуда ХҲҲАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:
— Янги Ўзбекистоннинг янги Конституцияси мамлакатимизнинг янги бир

ривожланиш даврини бошлаб берапти. Қолаверса, Бош қомусимиз учинчи Ренессанснинг пойдевори, десак, муволафат бўлмайди. Бу, албатта, барчамиздан жуда катта масъулият ва талабчанликни, ўз ўрнида, жавобгарликни талаб қилади.



Қомусимизда белгиланган асосий қоидалар, нормалар халқчилиги билан эътиборга молик. Президентимиз Конституцияни қабул қилишда бирдамлик, яқдиллик билан овоз берган халқимиз эртага биздан ҳаёти янада фаровон бўлишидан умид қилиб турганини эътироф этди.

Дарҳақиқат, шу йил 30 апрель куни бўлиб ўтган референдум халқимизнинг яқдиллигини, бирдамлигини, қолаверса, мақсадларимиз муштараклигини ифодаловчи жуда муҳим аҳамиятга эга сиёсий воқеалик бўлди. Бу албатта, Ўзбе-

кстон тарихида ўчмас из қолдиради, дейиш мумкин. Референдум натижалари халқимиз Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган ислохотларни тўлиқ қўллаб-қувватлашни кўрсатди.

Шерзод ТҲҲТАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:
— Конституциямиз асосида қонунчилик амалиётимизга янги институтлар жорий этилмоқда. Жумладан, халқимизга ислохотларнинг ташаббускори сифатида давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокини янада кенгайтиришга қаратилган қонунчилик тақлифи билан чиқиш ҳуқуқи берилди.

Бундай ҳуқуқ, шунингдек, Сенат, Омбудсман ва Марказий сайлов



комиссияси ҳам тақдим этилди. Конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилиши ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил қилиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларни қонунларнинг, давлат органлари ва барча даражадаги мансабдор шахслар фаолиятининг моҳияти ҳамда мазмунини белгилаш қатъий белгиланди.

Албатта, булар катта ҳажмдаги ишлар. Конституциявий қонунда ўшбу ишларни босқичма-босқич режа асосида амалга ошириш белгиланган. Биз парламент аъзолари Конституциядаги ўзгаришларни рўйбга чиқариш ва унинг нормаларини ҳаётга таъбиқ этиш бўйича ўзимизга юклатилган барча вазифаларни бажариш юзасидан зарур чораларни кўраемиз.

«Халқ сўзи».

НУҚТАИ НАЗАР

ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЮТУҚЛАРГА ЙЎЛ ОЧМОҚДА

Ҳар бир мамлакатнинг юксалиши ва унинг келажақда раванқ топишида, ривожланган давлатлар қаторида муҳим ўрин топишида унинг етуқ билимли ёшлари муҳим ўрин тутади.

Ўшбу жараёнда олий таълим муассасаларининг муҳим вазифаси — дарс жараёнларини янгилаш замонавий методикада ташкил қилиш, талабалар учун хорижий стандартлар асосида ўқув қўлланмаларини шакллантириш ва ўқув жараёнларида талабаларга қулайликлар яратишдир.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали ҳам замон талабига ҳамоҳанг мутахассис кадрларни етиштириб чиқариш учун кенг имкониятлар яратилган масканлардан бири.

Мазкур жараёнда филиалда масофавий таълимнинг онлайн ва офлайн режимида узлуксиз ташкил этилган ҳолда ёшларнинг билим олиш ҳуқуқи таъминлангани талабаларга яратиб берилаётган шароитларда ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Филиалда талабаларга сифатли таълим бериш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш ҳамда илмий соҳага йўналтириш бўйича бир қатор ишлар амалга ошириб келинапти.

Жумладан, фан, спорт, интеллектуал соҳаларнинг турли йўналишлари бўйича 25 та тўғрақ ташкил қилинган бўлиб, кундан-кун қамров доираси ҳам ошииб бормоқда. Бунда иқтидорли талабаларнинг истак ҳамда талабларидан келиб чиқиб, ўз тенгдошлари билан билимлар алмашиш ва курслар очишлари учун зарур шароитлар яратиб берилмоқда.

Таълим муассасамизнинг илмий салоҳияти ўтган йили 32 фоизни ташкил этди. Филиалда 1,8 миллиард сўм миқдорда олти илмий тадқиқот ишлари бажарилгани бу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқаётди. Шундан давлат илмий-техник дастурлари доирасида 1,448 миллиард сўм миқдорда учта лойиҳа, ҳўжалик шартнома асосида 300 миллион сўм миқдорда иккита лойиҳа, 100 миллион сўм миқдорда битта стартап лойиҳа таъбиқ қилинди.

Яна бир жиҳат, филиалимизда ёшларнинг ўқиби, пухта билим олиши, ўз иқтидор ва салоҳиятини намоён этиши учун барча шарт-шароит яратилган. Шу боис ҳам кейинги йилларда илм-фан йўналишида юқори натижаларга эришаётган талабаларимиз сафи кенгаётгани қувонарлидир. Масалан, ўтган йили йигирма нафар талабаимиз Президент стипендияси, Бегуний номидаги, Ислоҳ Каримов номидаги давлат стипендиялари ҳамда соҳа қорхоналари стипендияларига эга бўлишди. Филиалда келажақ ривож учун хизмат қиладиган 25 та дастурий маҳсулотга муаллифлик гувоҳномалари олинди.

Айни чоғда иқтидорли ёшларни илмий тадқиқот фаолиятига кенг жалб этиш, уларнинг замонавий техника ва технологияларга бўлган қизиқишини кучайтириш, иқидий тафаккур ва яратувчи салоҳиятини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Шу маънода, ўқув муассасамизда замонавий лаборатория ташкил қилинган ёш билимдонлар учун катта мотивация берди, десак, муволафат бўлмайди. Бу ерда илм билан шуғулланаётган иқидорли, мақсад ва ниятлари улўғ, қалбида эртанги кунга қатъий ишонч мужассам ёш олимларимиз келгусида, албатта, юртимиз илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшади, деб ишонамиз.

Ўткир МАТЯКУБОВ,
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Урганч филиали ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари.

ДОРИВОР ҲИМЛИКЛАРНИ ТАБИЙ МУҲИТДАН ТЕРИБ ОЛИШГА КВОТА АЖРАТИШ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Президентимизнинг 2022 йил 20 майдаги “Доривор Ҳимликлар хом ашё базасидан самарали фойдаланиш, қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони доривор Ҳимликлар хом ашё базасидан самарали фойдаланиш, соҳадаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда қўшимча қиймат занжирини яратиш имконини бермоқда.

ЭШИТУВ

Мазкур ҳужжатда Олий Мажлис палаталарига доривор Ҳимликларни табиий муҳитдан териб олишга квота ажратиш ва унинг шартларига қатъий риоя қилиниши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш тавсия этилган.

Шунга асосан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг доривор Ҳимликларни табиий муҳитдан териб олишга квота ажратиш ва унинг шартларига қатъий риоя қилиниши юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳолати назорат-таҳлил тартибида Сурхондарё вилояти мисолида ўрганилди.

Парламент кўйи палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида ўрганиш натижалари юзасидан мутасадди вазирлик ва идораларнинг ахбороти етиштирилди.

Таъкидланганидек, ўрмон фонди ерларида Ҳимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, ёввойи ҳолда ўсувчи Ҳимликларнинг техник ва доривор хом ашёсини йиғиш ва тайёрлаш учун 2020 йилда жами 517,8 тонна, 2021 йилда 595,9 тонна, 2022 йилда 322,8 тоннага рухсатнома расмийлаштирилган. 2022 йилда ёввойи доривор ва озуқабоп Ҳимликларни табиатдан ажратиб олиш учун жами 10450,3 тонна, шу жумладан, 6982,1 тонна давлат ўрмон фонди ерлари учун, 36,9 тонна яйлов ҳўжалиги ерлари учун квота тасдиқланган.

Жойларда жорий йил март ойи ҳолатига 19 минг гектардан зиёд майдонда ташкил қилинган доривор ва озуқабоп Ҳимликлар плантациялари рўйхатга олинган. Уларда, асосан, коврак Ҳимлигининг сасиқ (Ferula foetida) (Bunge)

«Халқ сўзи».

Regel) ва тожик (Ferula tadshikorum Pimenov) турлари, яланғоч қизилмия, тиканакли ковул ва наъматак Ҳимликлари етиштирилади.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида доривор Ҳимликларни етиштирувчи ва қайта ишловчи кластерлар ташкил қилинган. 2022 йилда қишлоқ ҳўжалиги ерларида жами 17,3 минг гектар ер майдонда доривор ва озуқабоп Ҳимликлар маданий плантациялари барпо этилган.

Хусусан, доривор Ҳимликларни етиштириш бўйича ҳудудларнинг тупроқ-иклим шароитини инобатга олган ҳолда 1,9 минг гектар майдонда қизилмия, коврак — 11,2 минг гектар, наъматак — 347 гектар, ковул — 2,6 минг гектар ва 1,3 минг гектар ерда бошқа турдаги доривор ва озуқабоп Ҳимликлар плантациялари барпо этилган.

Сурхондарё вилоятида 2023 йил ҳосили учун фермер ва қишлоқ ҳўжалиги қорхоналари томонидан жами 1,6 минг гектар доривор Ҳимликлар экилиши ҳамда ўшбу майдонлардан жами 404 тонна доривор Ҳимликлар хом ашёсини етиштирилиши кўзда тутилган.

Эшитувда қонун ижросини амалга ошириш бўйича соҳада муайян ишлар амалга оширилиши билан бир қаторда, доривор Ҳимликларни табиий муҳитдан териб олишга квота ажратиш ва унинг шартларига риоя этиш бўйича йўл қўйилган айрим хато ҳамда камчиликлар депутатлар томонидан танқид қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Тадбир якуни бўйича қўрилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

ҚАДРОН ОҲАНГЛАР СЕҲРИ ВА ЖОЗИБАСИ ДУНЁНИ МАФТУН ЭТДИ



1 Боиси, музика байрамини мамлакатимизга келган хорижий сайёҳлар бевосита томоша қилиши билан бирга, тафсилотлари дунё оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилди. Иштирокчилар учун гастрономик туризм — жаҳон ва миллий таомлар, халқ ҳўнармандчилиги маҳсулотлари кўргазмалари ҳам ташкил этилган фестивал жозибадорлигини янада оширди.

Фестивалнинг учинчи кунини “Достон кечаси” ўтказилди. Халқаро бахшичилик танлови голиблари номи тантанали равишда эълон қилинди.

Дунёнинг турли мамлакатлари вакиллари иштирок этган, кучли рақобат муҳитида ўтган музикаий беллашув якунига кўра, ўзбекистонлик Илҳом Норов асосий соврин — Гран-при соҳиби бўлди. Шунингдек, Гарягди Сариев (Туркменистон), Саламат Аяпов, Расулбек Абду-

рахмонов, Дилмурод Гулмуродов, Серик Жақсиқулов (Ўзбекистон), Сандан Арес (Россия), Рисбай Исаков (Киргизистон), Нугзар Кавтарадзе (Грузия), Сарвар Сабри Камал (Ҳиндистон) Ярослав Дмитров Христов (Болгария), Эрдане Ват Есун (Мўғулистон) Шин Жа Сун (Корея Республикаси) голиб ва совриндорлар сафидан жой олди.

Шунингдек, турли номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланди. Хусусан, “Муҳлислар эътирофига сазовор бўлган энг яхши иштирокчи” номинациясида Звездана Новакович (Словения), “Халқларнинг қадимий мерос тарғиботчиси” номинациясида Татемичи Акеми (Япония), “Миллий санъат тарғиботи учун” номинациясида Нар Камбер (Туркия), “Бахшичилик санъати орқали дўстлик ришталарини тараннум этгани учун” номинациясида Анастасия Алексеева (Россия),

“Аждодларнинг унутилаётган урф-одатларини тараннум этгани учун” номинациясида Эслами Фарҳод Алиреза (Эрон), “Халқаро бахшичилик фестивалининг фаол иштирокчиси” номинациясида Абдурахмон Ҳасанов (Тожикистон), “Халқаро бахшичилик фестивалининг ёрқин иштирокчиси” номинациясида Сиоуварас Гиоргиас, “Бахшичилик санъати орқали дўстлик ришталарини тараннум этгани учун” номинациясида Арман Шахинян (Арманистон), “Халқ ижрочилиги усуллари тарғиботи учун” номинациясида Иашулах Гемала Хаэти (Индонезия), “Ижро усуллари ва йўлларининг мутаносиблиги” номинациясида Мулк Афсар Ул (Покистон) голиб деб топилди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

Pavel Benkov nomidagi Respublika ixtisoslashtirilgan rassomlik maktabi 2023/2024 o'quv yiliga 7-sinfni tugatgan iqtidorli o'quvchilarning qabulini e'lon qiladi.

Hujjatlar 2023 yil 1 iyundan — 30 iyungacha qabul qilinadi. Tanlovda ishtirok etish uchun o'quvchilardan quyidagi hujjatlar talab etiladi:

- Direktor nomiga ariza; (yo'nalishi, mutaxassisligi, o'qish tili ko'rsatilgan holda);
- Tug'ilganlik to'g'risida guvohnoma nusxasi;
- 7-sinf yakuni bo'yicha o'zlashtirish ko'rsatkichlari haqida tabel;
- «Bolalar musiqa va san'at maktablarini tamomlaganlik to'g'risida guvohnoma» (mavjud bo'lsa);
- 086-U va 063-shakllar bo'yicha ma'lumotnomalar;
- 3x4 sm. hajmdagi 6 ta fotosurat;
- Ta'lim yo'nalishlari bo'yicha o'quvchining iste'dod va iqtidorini ko'rsatuvchi ishlaridan namunalari (diplom, faxriy yorliq, fotosurat hamda boshqa ijodiy ishlar namunalari), (agar mavjud bo'lsa);
- Chet el fuqarolari qonunda belgilangan tartibda qabul qilinadi.

Maktabning quyidagi Telegram, Instagram va electron pochta sahifalari orqali ham qabul bo'yicha to'liq ma'lumotlarga ega bo'lishingiz mumkin.

BENKOV MAK'TABI 2023 QABUL

p_benkov benkovartschool@mail.uz

Pavel Benkov nomidagi Respublika ixtisoslashtirilgan rassomlik maktabi 2023/2024 o'quv yili ta'lim ixtisosliklari.

1. Tasviriy san'at — Tayyorlov yo'nalishlar.
2. Amaliy san'at — Tayyorlov yo'nalishlar.
3. Interer dizayneri.
4. Kompyuter grafikasi bo'yicha mutaxassis.

Telefonlar: 71-245-05-56, 71-245-07-65.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 541. 17 714 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоини келишилган нарҳда.

Газетанинг ҳақиқат маълумотларини қўллаб-қувватлаш учун ОА-ноднинг телефонини орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўғамалар тақрир қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили:
Буёқ Туран кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.20 Тошпирилди — 01.15 1 2 3 4 5 6